

Толдорон

2385-сон
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил "05" Январ

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 2021 йил "30" декабрдаги 27-01-14/6019- сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори Ф.Ш.Рустамов, бундай бўён "Оператор" деб номланувчи, бир томондан ва СФБ дотарбасидаги Тошкент шаҳ. хўб. йи номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи К.А. Каспоров, бундай бўён "Абонент" деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 – 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ҳақидаги абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта деб юритилади) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлар асосида Оператор билан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича Шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Операторнинг Оммавий офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилгандан сўнг Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат туридан ва ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонилар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш умумэътироф этилган маданиятга амал қилиш ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширишади.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилганидан кейин тўлов тўлаш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмати тур буйича) мувофик кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 9000000 (Тўққуз миллион) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 2500000 (Тўрт миллион беш юз) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда () миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартнома умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма тўловлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар бир Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг шахсий ҳисобварағида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатишни тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларни олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календар ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоби баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади. Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишни имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилишади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқиладиган ва тегишли шаклдаги жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Агар Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонент татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга** нисбатан ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 22 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартномани имзоланиши Оферта акцептини (Абонентнинг оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бешинчи ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада, ҳар бир томон учун биттадан расмийлаштирилган.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор

Абонент

Филиал "ТШПТ"

АК «Ўзбектелеком»:

100015, Кичик Халка йули кўчаси, 2а уй


ИНН: 203366731 МФО: 00401

ОКЭД: 61100

х/р: 20210000504074838073

АК «Алокабанк»

Тел:



Имзо:

М.У.



Наз. *М.У. Кайдаров*
Юриет
М.У. Буроев

2385— сонли Шартномага илова (кабелли телефон канализацияси қурилмаларини ижарага бериш шартлари) шартномага илова унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1 ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Ижарага берувчи”, Томонлар маъсулияти чегаралари ҳамда лойиҳага мувофиқ тарзда, “Ижарага олувчига” ер ости қувур узатмалари ва улардан фойдаланишни таъминловчи мосламалар (қудуқлар, қутилар)даги кабелли телефон канализацияси қурилмаларини, “Ижарага берувчининг” телефон симларини ўтказиш учун ижарага беради. “Ижарага берувчининг” маъсулият ҳудуди деб, унинг балансида турувчи, ичидан “Ижарага олувчининг” телефон симлари ўтган, телефон канализация қурилмаси белгиланади.

1.2. Телефон канализация қурилмасининг раками, алоқа кабелларини ўтказиш вақтида, келишилган ҳолда лойиҳага мувофиқ такдим этилади.

1.3. Шартнома қиймати ва телефон канализациянинг умумий узунлигига боғлиқ равишда нархалар ўзгарганда, ижаранинг умумий қиймати ҳам қайта ҳисобланади, ижарага олинган телефон канализация қурилмалари рўйхати, мазкур Шартноманинг 1-сонли иловасида келтирилган.

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Телефон канализация қурилмаларини ижара хизмати учун тўлов, шартномага асосан, пул ўтказиш йўли билан тўлов топшириқномасига (тўлов талабномаси, ҳисоб-фактурага) кўра Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. “Ижарага олувчи” ойлик кўрсатилаётган хизмат учун 100% олдиндан тўловни, шартномага мувофиқ, ҳисоб талабномасига кўра, жорий ойнинг 14-санасига қадар амалга оширилади.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги, Алоқа Вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК қарор ва фармойишларига асосан тариф ва калькуляция, шунингдек энергия ташувчилар, коммунал хизмат, ёнилғи ва мойлаш материаллари нархлари ўзгарган тақдирда “Ижарага олувчи”, юқоридаги ўзгаришлар амалга киритилган вақтидан бошлаб, ижара ҳақини янги тариф ва калькуляцияга мувофиқ тўлайди.

2.3. Вақтинча банд қилиш, канал ва канализация жойларини ижарага олиб ишлатиш учун тўлов, “Ижарага олувчидан” тузилган ижара шартномасига асосан ягона тариф бўйича қабул қилинади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Ижарага берувчининг” мажбуриятлари:

3.1.1. Белгиланган тартибда ўз техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳа ва томонлар келишувига мувофиқ, телефон канализация қурилмаларини, унда “Ижарага олувчи”нинг ВОЛС турдаги кабелларини ўтказиш учун ажратиш. Кабелларнинг турлари, сифими, масофаси, кўчамаршрутлари ва “Ижарага олувчининг” маълумотлари габиноан ўтказилган кабеллар бўйича бошқа кераклик маълумотлар телефон марказларининг техник хужжатларида акс эттирилиши керак;

3.1.2. Телефон канализация қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлашни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги томонидан тасдиқланган техник меъёрларга ва иш режасига асосан амалга ошириш;

3.1.3. Қўриқланадиган ҳудудлар ва канализация қурилмаларида ўтказилаётган қурилиш ишларини амалга ошираётган ташкилотлар фаолиятини “Алоқа линияларини қўриқлаш қондаси”га мувофиқлигини техник жиҳатдан назорат қилиш. “Ижарага олувчини”, унинг каналида ўтказилаётган қурилиш ишларидан, “Ижарага олувчи” сўровига кўра огоҳлантириш;

3.1.4. Учинчи томон ташкилотлари томонидан алоқа кабелларини ётқизиш ва таъмирлаш учун кабел каналларида ишлаш учун белгиланган тартибда рухсатномалар бериш;

3.1.5. “Алоқа линияларини қўриқлаш қондаси”га мувофиқ чегараларда, кабель канализацияларининг ҳолати бўйича маъсулиятни ўз зиммасига олиш;

3.1.6. Ўз кабель канализация қурилмаларида авария ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда, уларни бартараф қилиш ва канализация қурилмаларини тезкор муддатларда тиклаш учун муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш. “Ижарага олувчининг” белгиланган тартибда берилган ёзма шаклдаги мурожаатига кўра, аварияни бартараф қилиш ишларига иш вақтининг бир суткаси давомида рухсат бериш;

3.1.7. “Ижарага олувчига” тегишли кабеллар телефон канализациясида шикастланганда, ушбу ҳолат сабабларини аниқлаш ва далолатнома тузишда иштирок этиш.

3.2. “Ижарага олувчининг” мажбуриятлари:

3.2.1. Ажратилган телефон канализациясида, алоқа кабелни ётқизиш бўйича лойиҳавий, ташкилий ва техник шартларни бажариш. Телефон марказидан кабель канализациясини монтаж ишлари учун қабул қилиш ва ўз кабелларини ётқизиш, ҳамда монтаж қилиш ишлари тугагандан сўнг, телефон марказига далолатнома орқали, белгиланган муддатда топшириш;

3.2.2. Телефон кабель канализациясининг ижараси учун тўловни, калькуляция ва мазкур шартномада кўзда тутилган талабларга кўра амалга ошириш;

3.2.3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги томонидан тасдиқланган техник меъёрлар ва ўзаро келишилган шартларга асосан, ижарага олинган алоқа кабелларини, ўз маъсулияти ҳудудида техник эксплуатациясини амалга ошириш. Шартнома бекор қилинганда, “Ижарага олувчи” демонтаж ишларини ўз кучи ва маблағи ҳисобидан амалга оширади;

3.2.4. Ўз алоқа ускуналарида авария ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда, уларни бартараф қилиш ва алоқани белгиланган муддатларда тиклаш учун муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш. Зарур ҳолатларда ишларни бажариш муддатлари, белгиланган тарзда узайтирилади;

3.2.5. Ўз маъсулияти ҳудудида, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги томонидан тасдиқланган техник меъёрларга мувофиқ кабель канализациясида рухсат берилган ишларни бажариш вақтида, Ўз алоқа кабеллари ва бошқа қурилмаларнинг техник ҳолатига жавобгарликни Ўз зиммасига олиш;

3.2.6. Шартнома амал қилиш муддати тугаганда, “Ижарага олувчи” ижарага олинган канализациядан кабелларини демонтаж қилиш ишларини Ўз маблаг ҳисобидан амалга оширади, агар томонлар келишувига кўра бошқа шартлар кўзда тутилмаган бўлса;

3.2.7. Техник ҳисоб ишларини юритиш мақсадида, кабелларнинг турлари, сифими, масофаси, кўча маршрутлари ва ўтказилган кабеллар бўйича бошқа керакли маълумотларни телефон марказларига тақдим этишдир.

4. ФОРС - МАЖОР

4.1. Мазкур Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки қисман бажарган Томонлар, агар ушбу мажбуриятларни бажариш, Шартнома имзолангандан сўнг вужудга келган, ҳамда шартнома талабларини бажаришга бевосита таъсир этган фавқулодда вазият, яъни енгиб ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар: ёнғин, сув тошқини, zilзила ва бошқа табиий офатлар, шунингдек, алоқа тармоқ симлари ўғирланиши, Ҳукуматнинг тезкор ҳаракатлари, туфайли имконсиз бўлганлигини исботлаган тақдирда, жавобгарликдан озод қилинади.

4.2. Фавқулодда вазият (форс-мажор) таъсирида Ўз вазифасини бажара олмаган Томон, бошқа Томонни, юқоридаги вазиятлар бошланган вақти ва тугаганлигидан хабардор қилади.

4.3. Ушбу вазият вужудга келган вақтдан бошлаб 15 (ўн беш) календарь куни давомида хабар берилмаган тақдирда, Томон Ўз вазифасини бажарилмаганлиги учун сабаб қилиб юқоридагиларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

5. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартноманинг 2-бандида келтирилган тўлов муддатларини кечиктирганлик учун, “Ижарага олувчи”, ҳар бир кечиккан кун учун, тўланиши лозим бўлган қийматнинг 0,4%, лекин тўланиши лозим бўлган тўлов қийматининг 50% кўп бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.2. “Ижарага берувчининг” техник хизмат кўрсатиш ҳудудидаги ускуналарнинг шикастланиш ҳолатини бартараф қилиш учун меърдан кўп сарфланган назорат вақти учун, белгиланган ускунани алмаштириш учун шароит яратмаганлиги учун, “Ижарага берувчи” ижара ҳақини қайта кўриб чиқади ва кўрсатилмаган хизмат учун 0,5%, аммо кўрсатилган хизмат қийматининг 50% кўп бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур Шартнома бандларини бажармаган ёки нотўғри бажарган Томон, бошқа Томонга етказилган зарарни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тўлаб беради.

5.4. “Ижарага берувчи”, “Ижарага олувчининг” алоқа кабелларининг сақланиши бўйича маъсулиятни зиммасига олмайди.

5.5. Мазкур Шартнома бандларини бажармаслик ёки нотўғри бажарганлиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

5.6. Вужудга келган зиддиятларга ижобий ечим топиш мақсадида Томонлар келишиш музокараларини ўтказадилар.

5.7. Томонларнинг музокара йўли билан ҳал этилмаган баҳс-мунозаралари, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал этилади.

5.8. Мазкур шартноманинг, белгиланган тартибда расмийлаштирилган барча иловалари унинг бўлинмас қисми ҳисобланади.

5.9. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тартиб-қоидалар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

5.10. Манзил, банк ёки бошқа реқвизитлар ўзгарган тақдирда, Томонлар ўзгариш содир бўлган санадан 10 (ўн) календарь кунидан кечикмай бошқа Томонни хабардор қилиши керак.

6. АЛОҲИДА ТАЛАБЛАР

6.1. Томонлар қуйидагиларни таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилишади:

- ❖ ахборот хавфсизлиги,
- ❖ телекоммуникация ускуналарига киришнинг белгиланган тартиби,
- ❖ алоқа тармоқларида ишлаш коида ва меъёрларини бажариш,
- ❖ ёнғин хавфсизлиги,
- ❖ техника хавфсизлиги,
- ❖ тезкор-тадқиқот чоралари
- ❖ телекоммуникация тизимларини юқори қуخلанишлардан, тоқва юқори частоталардан зарур бўлган техник воситалар билан ҳимоя қилиш.

6.2. Томонлар мазкур Шартнома шартларининг бузилиши туфайли юзага келган зарарни, бошқа Томонга қоплаб беради.

6.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга учинчи шахсларни жалб қилган Томон, бошқа Томон олдида, учинчи шахснинг Шартнома бандларини бажармаган ёки нотўғри бажарганлиги учун, худди ўз ҳаракатлари каби жавобгар ҳисобланади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодексини 357-бандида белгиланган тартибда, 2021 йил 01 январь куни кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади, агар Томонлардан бири Шартнома амал қилиш вақти тугашидан бир ой олдин унинг бекор қилинишини талаб қилмаса.

7.2. Мазкур шартномага, янги қабул қилинган ва юқори турувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган Қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, Томонлар таклифи ва ижарага олинган қурилмалар орасидаги масофаларни ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришлар, қушимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, Томонларнинг ўзаро келишувига қўра, ёзма келишув (баённома) ёки шартномага киритилган илова шаклида, Томонлар вакиллари имзолари билан тасдиқланган ҳолатда ҳақиқий ҳисобланади.

7.4. Мазкур шартнома қуйидаги шароитларда бекор қилинади:

- Томонлар келишувига қўра;
- бир томонлама, бошқа Томон шартнома бўйича ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаган ҳолатда;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда;

- ушбу шартнома имзоланган санадан бошлаб, бундан олдинги шартнома ўз кучини йўқотади.

7.5. Шартнома муддати, агар мазкур шартноманинг амал қилиш муддатидан бир ой олдин Томонлардан бири уни бекор қилиш бўйича мурожаат қилмаса, кейинги йилга узайтирилган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчи



Ижарага олувчи





O'ZBEKTELEKOM AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ УЗБЕКТЕЛЕКОМ
"SOTUV VA XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" FILIALI

100084 Toshkent sh. A. Temur 97A uy. T: (+998 99) 836-76-00. E-mail: b2b@uztelecom.uz www.uztelecom.uz

100084 г. Ташкент, ул А. Темур 97А. Т: (+998 99) 836-76-00. E-mail: b2b@uztelecom.uz www.uztelecom.uz

№ 45-01-07/1959
30.12.2021

ИШОНЧНОМА

Тошкент шаҳри

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали тўғрисидаги Низом ва 2021 йил 30 декабрь кундаги 27-01-14/6021-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи, Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 8-уйда жойлашган «Ўзбектелеком» АК «Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали (кейинги ўринда – Филиал деб юритилади) директори Туляганов Ядгар Рахимджанович, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47, 138-140-моддаларига асосан мазкур ишончнома орқали Филиал директори ўринбосари **Хон Александр Евгеньевичга (XON ALEKSANDR YEVGENEVICH)**, паспорт маълумотлари: серия АА, № 1125685, Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан 2013 йил 26 мартда берилган) «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси (кейинги ўринда – Компания деб юритилади) номидан қуйидаги ваколатларни амалга ошириш ҳукукини беради:

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд органларида (шу жумладан, ҳакамлик судларида) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида иштирок этиш (суд мажлисларида, процессуал ҳаракатларида иштирок этиш), даъвогар ва жавобгар сифатида тегишли ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек учинчи шахс сифатида иштирок этиш, Компания фойдасига (Филиал фаолияти доирасида) қабул қилинган суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижрога қаратиш ва ушбу ҳужжатларни ижро этиш жараёнида мол-мулк, пул маблағлари ёхуд бошқа моддий қимматликлар (мол-мулк)ни Филиал балансига қабул қилиш;

Филиал ваколатлари доирасида жисмий шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар билан шартномалар (уларга қўшимча келишувлар/битимлар), телекоммуникация хизматларини, шунингдек мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаларини тузиш ёки бекор қилиш (имзолаш), харид қилиш шартномалари бундан мустасно;

ушбу ишончнома доирасида тузилган шартномалар (шу жумладан, илгари тузилган шартномалар) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳужжатларини (шу жумладан, ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалари)и, таққослаш ва ўзаро ҳисоб-китоб далолатномалари) ва бошқа зарур ҳужжатларни имзолаш;

Филиал директори ўринбосари Хон А.Е. томонидан ушбу ишончнома доирасида амалга оширилган ҳаракатлари, шу жумладан имзоланган шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ҳамда айрим ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги (мақбуллиги) учун жавобгардир.

Ушбу ишончнома **2022 йил 31 декабрга қадар** амал қилади.

Ушбу ишончноманинг амал қилиш муддати Компания бош директори ёки Филиал директори томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Хон Александр Евгеньевичнинг _____ имзо намунасини тасдиқлайман.

Персонал билан ишлаш хизмати бошлиғи Д. Азизова

D. Azizova

Филиал директори



Я. Туляганов

ASLIGA TO'G'RI
«O'ZBEKTELEKOM» AK
“SOTUV VA XIZMAT
KO'RSATISH MARKAZI”
FILIALI PBIX

LITSENZIYA
RUCENIYU

AA № 0005661

Типограф

21 августа 2015 г.

Libroviznyanang amal qilish muddati: 23.02.2012r. dan 23.02.2017r. gacha
 dok. sertifikatini aniqlash: 23.02.2012r. dan 23.02.2017r. gacha

Акционерная компания «О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ»

Litsenziyalning manzili va bank rekvizitlari
adres va bankovskiyes peknynty Jmcmnmat

i. Tamm, Kyschbaldyell p-n, gpochnst Asmpa Tasyra, n.97A, p-e 202100-090467-4819001

г.Тамбов, Кувсшбальднй р-н, гоошчнк Асмпа Тасыра, н.97А, п-е 202100-090467-4819001

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLİYAT KORSATISHIGA RUHSAT ETILADI
HAZIRGIY KUNGA QAYD QILINIB, TAYINLASH VA TAYINLASH
HAZIRGIY KUNGA QAYD QILINIB, TAYINLASH VA TAYINLASH

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг
сетей передачи данных

ILOVA QILINGAN LITSENZIVA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
O'RTTIRIB C'IPILATAT-MUM JIMUHHIHOHILIM CO'LLAHETIEM

¹⁰ Ruffin, *Imperialism*, 102.

24.02.2022г. gacha uzaytirildi

Работа выполнена при поддержке
Фонда «Русский мир»

№	dan	gacha ushbirtdi
100		

Rahbarning inzori:
Yozma qurultoylari.

(This question is a variation of the question in the previous section.)

Регистр № 3468



000240

GUVVONOMA

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari vagona davlat reyestriga

"O'ZBEKTELEKOM" Aksiyadorlik jamiyati

नमो भगवते वासुदेवाय - नमो भगवते वासुदेवाय - नमो भगवते वासुदेवाय

"O'ZBEKTELEKOM" AJ

(Varidik shaxslar qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

10-000240

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Solig to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR): 203366731

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamivati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, A. Temur shox ko'chasi, 97a-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

Revelation of a secret concerning to the nation



**ASLIGA TO'G'RI
«O'ZBEKTELEKOM» AK
"SOTUV VA XIZMAT
KO'RSATISH MARKAZI"
FILIALI PBIX**